

**2024 йил учун коррупцияга қарши курашиш
тизимининг амал қилиши ҳақида
УМУМИЙ ҲИСОБОТ**

2024 йил 27 декабр

Андижон шаҳри.

Ўзбекистон Республикасининг 03.01.2017 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.06.2020 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида Коррупцияга қарши курашиш тизimini такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сонли Фармони ижросини таъминлаш бўйича “Ўзавтосаноат” АЖ Бошқарув раисининг 31.01.2022 йилдаги “Комплаенс, ишлаб чиқариш ва молиявий хавфларни мониторинг қилиш тизимининг самарадорлигини янада ошириш ва такомиллаштириш тўғрисида”ги 27-009-сонли Буйруғига асосан “АУТО RUBBER” масъулияти чекланган жамиятида (Кейинги матнларда “Корхона” деб юритилади) корхонада COMPLAENS хизмати бошлиғи ҳамда 1 нафар мутахассис штат бирлиги ташкил этилган.

Мазкур штат бирликларига “Ўзавтосаноат” АЖнинг тегишли тавсияси асосида COMPLAENS хизмати молия бўйича мутахассис лавозимига олий-иктисодиёт маълумотга эга бўлган ходим тайинланиб, тузилма малакали ва зарур билим ва кўникмага эга бўлган мутахассислар билан таъминланган.

COMPLAENS хизмати фаолиятини самарали ташкил этиш, бўлимлар ва цехлардаги ишлаб чиқариш жараёнини мабуллаштириш ҳамда раҳбарлар, шунингдек мансабдор ходимлар фаолиятини тўлиқ назорат қилиб бориш ва мувофиқлаштиришни таъминлаш мақсадида ушбу хизмат таркибий тузилмаси (структура) тўғридан-тўғри корхона таъсисчиларнинг кузатув кенгашига бўйсунувчи тизимга айлантирилди.

Корхонада мазкур хизматига оид ички идоравий ҳужжатлар тасдиқланиб, “COMPLAENS хизмати тўғрисидаги Низом”, “COMPLAENS хизмати бошлиғининг лавозим йўриқномаси”, “COMPLAENS хизматининг ишлаб чиқариш бўйича мутахассиси лавозим йўриқномаси” ҳамда “COMPLAENS хизматининг маҳаллийлаштириш бўйича мутахассиси лавозим йўриқномаси” ишлаб чиқилиб, ходимларнинг фаолият йўналишлари аниқ белгилаб берилган.

Хусусан, “COMPLAENS хизмати тўғрисидаги” Низомга асосан хизмат жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятини

такомиллаштириш, жамиятда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга қарши курашиш, коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи бошқа давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорликни олиб бориш, кадрлар сиёсатини мониторинг қилиш, молия ва иқтисодий соҳаларидаги хавфларни олдини олиш, харидларни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган хавфларни олдини олиш, таъминот тизими (Supply chain) фаолиятинини мониторинг қилиш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва сифатини оширилиши (SQE) мониторинг қилиш, маҳаллийлаштириш даражасини ўрганиб, лойиҳаларни ўз вақтида бажарилишини мониторинг қилиш, маркетинг, савдо ва сервис сиёсатини мониторинг қилиш, кўриқлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва баргараф этишга кўмаклашиш, бизнес жараёнларни рақамлаштириш ҳамда бошқа йўналишларда фаолият олиб бориши белгилаб қўйилган.

Ўз фаолияти даврида коррупцияга қарши курашиш бўйича корхона Комплаенс хизмати томонидан ўрганишлар ўтказиб келинган.

Хусусан, “AutoRubber” МЧЖ ишчи ходимларига коррупция ва унинг оқибатлари бўйича тушунча берилиб ҳар бир бўлим ва бошқарма низомлари ҳамда ишчи ходимлар лавозим йўриқномалар қайта кўриб чиқилиб уларга Комплаенс сиёсатларига амал қилиш бўйича пунктлар қўштирилди.

Шунингдек, 2024 йил ҳар бир чорақда молиявий фаолияти бўйича кўрсаткичлар ўрганилиб, таҳлил қилинди. Унга кўра, корхона йилни фойда билан якунлаганлиги ва буни ошириш йўллари бирма бир куриб чиқилди. Зарарни олдини олиш, таннархни пасайтириш бўйича чоралар белгиланиб, тегишли кўрсатмалар берилди.

Комплаенс хизмати ходими А.Абдуқаҳхоров томонидан корхонадаги омборлар ҳолати ўрганилиб чиқилди. Ўрганишлар натижасида бир нечта камчиликлар аниқланиб уларни баргаф этиш, омборларни такомиллаштириш ва белгиланган стандартларга мослаштиришга доир чора тадбирлар ишлаб чиқилди. Чора тадбирларни амалга ошириш, камчиликларни баргаф этиш бўйича корхона раҳбари номига хизмат хати чиқарилди. 25.04.2024 йилда далолатнома тузилиб чора тадбир белгиланди. Ҳозирда чора тадбир бўйича мунтазам мониторинг қилиб борилди.

Комплаенс хизмати ходими А.Абдуқаҳхоров томонидан 2024 йил давомида бир нечта хизмат текширувлар ўтказилинди. Хусусан 2024 йил 13 июндаги 003-0577 – сонли хизмат хатига асосан А -108 сонли буйруқ билан Корхонада “Кўриқлаш ва ички хавфсизлик хизмати” кўриқчиси томонидан 08.05.2024 йилда содир этилган ҳолат юзасидан хизмат текшируви ўтказилинди ва ҳулоса қилиниб корхона раҳбарига тақдим қилинди. 2024 йил 20 ноябрдаги 003-1107 – сонли билдиргисига асосан К -264 сонли буйруқ

билан “Корхонада ходимларга бириктирилган IP манзиллар бўйича текширув ўтказиш” юзасидан ўрганишлар олиб борилди, ҳолат юзасидан йўл қўйилган камчиликлар бўйича маъсул ходимлар аниқланди ҳамда бундай ҳолатлар такрорланмаслиги бўйича хулосалар қилиниб корхона раҳбарига тақдим қилинди. 2024 йил 20 ноябрдаги 003-1096 – сонли хизмат хатига асосан К - 280 сонли буйруқ билан “Хизмат текшируви ўтказиш” бўйича тегишли хулосалар қилиниб корхона раҳбарига тақдим қилинди.

“AutoRubber” МЧЖ раҳбари томонидан 2024 йил 7 декабрдаги “Андижоннома” газетасида “ҲАЛОЛЛИК ВА МАСЪУЛИЯТ ҳар бир фуқаро фаолиятининг бош мезони бўлиши керак” мавзусида мақола эълон қилиниб, унга кўра корхонада коррупцияга қарши амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотлар берилган.

Ҳозирда, корхонада Комплаенс хизмати ва бошқа бўлим ходимлари ҳамда мансабдор ходимлари томонидан корхонада Коррупциявий ҳолатларни олдини олиш ва унга йўл қўймаслик бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда, уларнинг натижасида ижобий натижаларга эришилади.

Комплаенс хизмати
бошлиғи в.в.б



А.А.Абдуқаххоров

Коррупцияга қарши давлат дастурида назарда тутилган
чора-тадбирларнинг ижроси ҳақида
ҲИСОБОТ

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Амалга оширилган чоралар
1.	Ишга номзодларни текшириш	Доимий	Жамиятда ишга номзодларни махсус UzAutoJobs сайти орқали эълонга асосан келишини ва суҳбат ўтказиш орқали очиқ ва шаффоф ҳолатда ўтишини назорат қилинмоқда.

Комплаенс хизмати
бошлиғи в.в.б



А.А.Абдуқаххоров